

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Савдоларнинг умумий ҳажми 265,90 млрд сўм (20,53 млн доллар)ни ташкил этиб, 2024 йилнинг апрел ойига нисбатан 37,46 млрд сўмга ёки 16,4%га ўсди.
- Шу билан бирга, 113,93 млрд сўм (8,81 млн доллар) ёки битимлар ҳажмининг 42,85 фоизи биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 35 789 тани ташкил этиб, бу ўтган йилнинг апрел ойига нисбатан 5 150 тага ёки 12,58% га кам. Бунда, 29 182 та битим Биржанинг биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 6 607 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 12,09 млрд сўм (933,37 минг доллар)ни ташкил этди, ўртача кунлик битимлар сони эса 1 627 тани ташкил қилди.
- Ой якунига кўра, UCI индекси 0,09% га пасайиб, 652,37 пунктни ташкил этди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозорида савдолар ҳажми 19,40 млрд сўм (1,50 млн доллар)ни ташкил этди. 2024 йилнинг апрел ойига нисбатан савдолар ҳажми 263,49 млн сўмга ёки 1,34% га камайган. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (10,60 млрд сўм) Nego Board платформасига тўғри келди.

Ўртача кунлик савдолар ҳажми 881,86 млн сўм (68 минг доллар)ни, ўртача кунлик битимлар сони эса 1 264 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 289,10 млрд сўмга ёки 0,12 фоизга ўсиб, 242,58 трлн сўм (18,76 млрд доллар)ни ташкил этди, эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви эса 3,96 трлн сўмни ташкил этди.

Ой якунига кўра, Биржа котировкалаш варағида 94 та эмитентнинг акциялари мавжуд эди.


Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		4/2021	4/2022	4/2023	4/2024	4/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	24 375	95 067	65 379	19 664	19 401
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	1 108	4 527	3 632	983	882
Бир битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	4	13	2,9	0,6	0,7
Битимлар сони	дона	5 679	7 429	22 257	35 956	27 797
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	258	354	1 237	1 798	1 264

UCI ИНДЕКСИ

UCI индекси ой давомида 0,09 фоизга пасайиб, 652,37 пункт даражасида ёпилди.

2025 йил апрел ойидаги UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозоридаги савдолар ҳажми 94,52 млрд сўмни (7,31 млн доллар) ташкил этиб, 2024 - йилнинг апрел ойига нисбатан 93,20 млрд сўмга ёки 71 баробарга ошди.

Ўртача кунлик савдо ҳажми 4,3 млрд сўмни, ўртача кунлик битимлар сони 63 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,5 трлн сўм (113,35 млн доллар)ни ташкил этди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		4/2021	4/2022	4/2023	4/2024	4/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	50 343	40	64 826	1 329	94 524
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	2 288	2	3 601	66	4 297
Бир битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	3 356	40	1 852	11	68
Битимлар сони	дона	15	1	35	118	1 385
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	1	0	2	6	63

ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котировкалаш варағида 102 та эмитентнинг 153 та инструментлари мавжуд эди.

ЛИСТИНГДАН ТАШКАРИ САВДО МАЙДОНЧАСИ

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 6 607 та битим тузилди, бу ўтган йилнинг апрел ойига нисбатан 35,81% га кўп.

Умумий савдо ҳажми 151,97 млрд сўм (11,72 млн доллар)ни ташкил этиб, ўтган йилнинг апрел ойига нисбатан 26,74%га пасайган.

99 та эмитентнинг қимматли қоғозлари битимлар объекти бўлди.